2014 йил 17 ноябрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 228 (12.789)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



***Хабар қилинганидек, 2014 йил 14 ноябрда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Сенаторлар ялпи мажлиснинг иккинчи кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига мувофиқ парламент юқори палатасига киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги масалани кўриб чиқишдан бошладилар.

Ушбу масалани кўриб чиқиш асносида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилинишини инсон ҳуқуқлари ва унинг манфаатлари олий қадрият бўлган, амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этадиган давлатимиз инсонпарварлигининг яна бир ёрқин кўриниши эканлигини кўрсатиб ўтдилар. Ушбу масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг қарорида қуйидаги маҳкумларни: аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, шунингдек, бир қатор бошқа тоифадаги шахсларни жазодан озод қилиш (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қарорда амнистия тўғрисидаги қарор татбиқ этилмайдиган шахсларнинг тоифалари ҳам назарда тутилган.

Сенат ўз қарори билан «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорини қўлланиш тартибини белгилади. Ушбу тартибда жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжатига мувофиқ озод қилинадиган шахслар хусусидаги ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомили белгиланмоқда. Бунда амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлашда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари фаол иштирок этиши назарда тутилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни амалда рўёбга чиқариш, улар тўлиқ ҳисобга олиниши ва ишга жойлаштирилишини таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ҳам назарда тутилмоқда.

Шундан кейин сенаторлар, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар ушбу қонун 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг концепциясини самарали амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларини рўёбга чиқариш учун зарур ҳуқуқий шароитлар яратилишини, шунингдек, солиқ солиш соҳасида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини таъминлашини таъкидладилар.

Қонун билан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда, сенаторларнинг фикрича, ушбу қонун умуман олганда, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада камайтиришга, солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга ҳамда солиқ маъмуриятини такомиллаштиришга қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда**

## ЁШ ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

***Пойтахтимизда тадбиркор ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича маслаҳат маркази иш бошлади.***

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тижорат банклари мутахассислари, ҳуқуқшунослар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиётимизни изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш имконини бераётир. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарига ёрдам кўрсатиш, аҳоли, хусусан, ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини рағбатлантириш ҳам доимий эътиборда.

Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган йигит-қизларнинг бизнесга оид билимларини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган мазкур марказда ёшларга ҳуқуқий, иқтисодий, ахборот технологиялари, маркетинг, давлат ташкилотлари билан ишлаш йўналишларида «тенгдош – тенгдошга» тамойили асосида ахборот-маслаҳат хизматлари кўрсатилади.

– Юртимизда ёшларнинг ўз иқтидорини намоён этиши учун барча шарт-шароит яратилган, – дейди марказ раҳбари Бобур Шокиров. – Ушбу марказ ҳам иқтидорли ёшларни бирлаштириш, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш, ўз бизнесини бошлаётган тенгдошларимизга бирламчи маслаҳатлар бериш билан шуғулланади.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**
**Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «Ниҳол» мукофоти учун ўтказилаётган анъанавий республика кўрик-танловининг Андижон вилояти босқичида 48 нафар йигит-қиз мусиқа, мумтоз қўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.**

**● «Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» республика кўрик-танловининг Сурхондарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.**

**● Бухорода ўтказилган «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» республика кўрик-танловининг вилоят босқичида 13 нафар тарғиботчи баҳслашди. Тарғиботчиларнинг маҳорати миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар бўйича олиб бораётган фаолиятига доир дастурлари, режалари, белгиланган вазифалар ижроси акс эттирилган ҳужжатлар, ўтказган тадбирларининг долзарблиги, мамлакатимиз ва жаҳон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги энг сўнгги маълумотлардан, кўргазмали воситаларидан оқилона фойдаланиш санъати ва бошқа мезонлар асосида баҳоланди.**

**● Жиззах отчопарида миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари республика фестивали бўлиб ўтди. Фестивалда миллий спорт турлари ва халқ ўйинлари бўйича бир қатор мусобақалар ўтказилди. Беллашувлар Жиззах, Тошкент, Бухоро, Қашқадарё ва Сирдарё вилоятлари спортчиларининг маҳорати юқори эканини кўрсатди. Тадбирда таниқли санъаткорлар, бадиий жамоалар, фольклор-этнографик ансамбллларнинг концертлари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари, спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Бугун Голландиядаги Хекендорп қишлоғида жойлашган паррандачилик фермасида парранда гриппининг тарқалиши муносабати билан Еврокомиссиянинг тезкор йиғилиши ўтказилди. Комиссиянинг матбуот хизмати томонидан таъкидланишича, ушбу вирус штамми инсон учун хавфли бўлиши мумкин. Ушбу фермада 150 мингта товуқ мавжуд бўлиб, Европа Иттифоқи санитар қоидаларига кўра уларнинг барчаси зудлик билан йўқ қилинади.**

**● Филиппин жанубидаги мактаблардан бири атрофида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида бир киши ҳалок бўлди, ўн етти нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирча амалга оширганликни ҳеч қайси ташкилот зиммасига олмаган ушбу терракт юзасидан суриштирув ишлари бошланди.**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Қуйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин (ушбу Қарорнинг 7-бандида кўрсатилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда):

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшдан ошган эркаклар;

г) чет давлатлар фуқаролари;

д) I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек ушбу Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликларга чалинган деб топилган шахслар.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек қасддан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йил-у олти ойдан кўп бўлмаган, ҳукми ушбу Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги барча ишлар тугатилсин.

6. Ушбу Қарор асосида озод қилинмайдиган шахсларнинг:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати – учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганларнинг ўталмай қолган жазо муддати тўртдан бир қисмига қисқартирилсин.

7. Татбиқ этилмасин:

а) ушбу Қарорнинг амал қилиши – узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган; ўта хавфли рецидивист деб топилган; жиноий уюшма таркибида жиноят содир этган; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга; шунингдек ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога алмаштирилган шахсларга;

б) ушбу Қарор 1-бандининг амал қилиши – ўта оғир жиноят содир этган шахсларга;

в) ушбу Қарор 1-3, 5-бандларининг амал қилиши – Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга;

г) ушбу Қарор 1-3, 5, 6-бандларининг амал қилиши – тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланган шахсларга.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қўмита ва комиссиялари ушбу Қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ҳамда қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралиги амалга оширилишида сенаторлар ва депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминласин.

9. Ушбу Қарор амалга оширилиши учун масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**
**И.СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 14 ноябрь*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиш вақтида сенаторлар ушбу қонуннинг асосий қоидалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларига, 2014 йил 15 апрелдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2013 йил 12 декабрдаги «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ тайёрланганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Ушбу қонун билан бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, жумладан, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Табиий монополиялар тўғрисида»ги, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги, «Банкротлик тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги қонунларга, Солиқ кодексига, Ҳаво кодексига, Жиноят кодексига, Фуқаролик-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ва бошқаларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун ҳужжатларига киритилаётган тузатишлар инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шароитлар яратишга, фуқаролик суд ишларини юритиш самарадорлигини оширишга ва бошқаларга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 10 та масала, шу жумладан, демократик ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил чуқурлаштириб боришга ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган 5 та қонун кўриб чиқилди, уларнинг рўёбга чиқарилиши аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатимизда барқарорлик ва фаровонликнинг қудратли омили бўлади.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни




***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, ибратли удумларимизнинг бардавомлигини таъминлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда.***

# МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ — МИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ

**Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.**
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 49-модда.

Бош Қомусимизда қадимий обидалар, ноёб осори-атиқалар, қимматли китоб ва қўлёзмалар, санъат намуналари билан бирга, маданий бойлик сифатида номоддий меросимиз муҳофазаси ҳам кафолатланган. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ҳамда 2011 йил 23 февралдаги «Номоддий маданий мерос муҳофазасига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари соҳа истиқболида янги уфқларни очиб берди.

Номоддий мерос объектларини ўрганиш, муҳофазалаш, йўқолиб бораётган анъаналарни қайта тиклаш ва тарғиб этишда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Бадиий академия, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ва бошқа ташкилотлар, ижодий бирлашма ва уюшмалар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик марказида номоддий маданий меросни ҳужжатлаштириш бўлими ташкил этилиб, унинг фаолияти самарали олиб борилаётгани давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан маънавий бойлигимизни асраб-авайлаш бўйича амалга оширилган ишларни умумлаштириш, уларнинг доимий мониторингини юритиш имконини бермоқда.

– Марказимиз қошида номоддий мерос объектларини инвентаризация қилиш бўйича соҳа мутахассислари ва олимлардан иборат экспертлар гуруҳи ва ташкилий ишчи гуруҳи тузилди, – дейди номоддий маданий меросни ҳужжатлаштириш бўлими бошлиғи Гуларо Абдуллаева. – Мазкур гуруҳлар иштирокида Ватанимизнинг номоддий меросини аниқлаш, барча йўналишлар бўйича объектлар рўйхатини тузиш мақсадида юртимизнинг турли ҳудудларига илмий-фольклор экспедициялар уюштирилди. Ушбу экспедицияларда барча соҳалар бўйича ҳудудларга хос объектлар маршрут жадвали асосида ўрганилди. Натижада кўплаб маросимлар, алла, халқ оҳанглари, мақом, катта ашула, дорбозлик ва аския санъати намуналари ёзиб олинди. Қадимий маросимлар, байрамлар, табиат ва коинотга оид билимлар йўналиши бўйича юзлаб ижрочилар репертуаридаги фольклор асарлар тўпланди. Жумладан, гули арғувон сайли, сумалак сайли, никоҳ тўйи удумлари бевосита маросим ўтказилаётган шароитда тасвирга туширилди. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ўлан, лапар, ёр-ёр, алла, келин салом, ашула, байт-ғазал, ривоят, афсона, топишмоқ, мақол, дуо-олқиш, айтишув, аския, қизиқчилик, табиат ҳодисалари билан боғлиқ қарашлар, мифологик тасаввурлар, об-ҳаво ўзгаришларига доир таъбирлар ҳақидаги қизиқарли маълумотлар ўрганилди. Экспедициянинг дастлабки натижалари бўйича ёзма, аудио, видео, фотоматериаллар сараланиб, махсус дисклар, фотоальбом тайёрланди.

Айни пайтда экспедиция давомида тўпланган ноёб ёдгорликлар асосида Ўзбекистоннинг номоддий маданий мероси атласи тайёрланмоқда. Китобда юртимизнинг барча ҳудудларидаги номоддий мерос объектлари дислокацияси ва уларга оид маълумотлар акс эттирилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш борасида кўрсатилаётган улкан эътибор самарасида ўтган йиллар мобайнида Наврўз, Шашмақом, катта ашула ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилди. Бу боқий анъаналаримизни дунё миқёсида кенг тарғиб этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини хорижда оммалаштиришда алоҳида ўрин тутади.

Номоддий меросни ўрганишга бағишланган мавзулар умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг малака ошириш курслари ўқув-режа ва дастурларига киритилди. Умумтаълим мактаблари, санъат йўналишидаги коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртларида ижтимоий фанлар ҳамда ўқув дастурларига мазкур мавзуни сингдириш юзасидан ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, мактабларда жисмоний тарбия ўқув предметига халқ ўйинлари, мусиқа маданияти дарсига эса халқ қўшиқчилиги мавзуси тажриба-синов тарзида жорий этилди. Ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида ҳам мазкур мавзу тегишли фанлар ўқув дастурларига киритилиб, ўқув ва услубий қўлланмалар яратилди.

– Номоддий мерос маънавий хазинамизнинг ажралмас қисмидир, – дейди ЎзА мухбирига Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори Назокат Аҳмедова. – Уларда халқимизнинг гўзалликни қадрлаш, маънавий баркамолликка эришишдек эзгу орзу-интилишлари мужассамдир. Ҳозир «Алпомиш» достони билан боғлиқ илмий изланишлар олиб бормоқдаман. Халқимизнинг бу бебаҳо мероси ёшларга ватанпарварлик, ҳалоллик, мардлик, орият, меҳнатсеварлик, фидойиликдан сабоқ беради.

Миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этишда Наврўз байрами, қовун, гул сайиллари, дорбозлик, қўғирчоқбозлик томошалари, халқ ўйинлари намойишлари, бахшилар, ўлан ижрочиларининг айтишуви, турли фестиваллар, кўрик-танловлар, кўргазмалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтказилаётган анжуманлар мазкур йўналишда олиб борилаётган ишларни доимий тарзда таҳлил этиб бориш, соҳа мутахассисларининг ўзаро фикр ва тажриба алмашиши, янгидан-янги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, уларни амалиётга жорий этиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш имконини бермоқда.

**Назокат УСМОНОВА**

## Сайлов — 2014

# ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИ САЙЛОВГА ТАЙЁР

***«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябрида бошлангани ва сайлов 21 декабрда ўтказилиши муносабати билан «Сайлов – 2014» ижтимоий сўровини ўтказди.***

Унда аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари вакиллари – эркаклар ва аёллар, ёшлар, пенсионерлар, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

Сўров давомида аҳоли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов тўғрисида етарлича хабардор экани маълум бўлди. Сўров иштирокчиларининг қарийб 90 фоизи сайлов 2014 йил декабрда ўтказилишини билади. 86,7 фоизи сайловчилар ҳуқуқларидан яхши хабардор. Аксарият иштирокчилар янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонун билан танишиб чиққан.

Сўров шуни кўрсатдики, фуқароларнинг кўпчилиги шу йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган сайловда албатта иштирок этади. Улар ушбу муҳим сиёсий воқеага пухта тайёргарлик кўрмоқда.

«Сайлов пайтида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодларнинг қайси жиҳатлари сиз учун муҳим?» деган саволга жавоб берар экан, номзодларнинг маънавий-маърифий хусусиятлари, одоб-ахлоқи, демократик қадриятлар ва миллий анъаналарни ҳурмат қилиши, профессионаллиги ва чет тилларни билишини алоҳида ажратиб кўрсатди. Сўров иштирокчилари депутатликка номзодлар жамиятимизда, маҳаллаларда обрў-эътибор қозонган ва ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Фуқаролар учун номзодларнинг оиладаги мақоми ҳам муҳим аҳамиятга эга. Сўровда фуқаролар ўз номзодини сайлашда унинг ижтимоий аҳволи, қайси сиёсий партияга мансублигини эътиборга олади.

Аксарият фуқаролар учун оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги воқеалар ҳақида мунтазам ахборот етказиб берадиган асосий манбадир. Аҳолининг катта қисми мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари, сиёсий партияларнинг фаолиятини оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам кузатиб боради.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, фуқароларнинг аксарият қисми (90 фоизга яқин) мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, сайловолди кампаниясининг қандай кечаётгани, сиёсий партиялар фаолияти тўғрисида оммавий ахборот воситалари тезкор ва сифатли ахборот тақдим этаётганидан қаноат ҳосил қилмоқда.

Ижтимоий сўров фуқароларимизнинг ижтимоий кайфияти баландлиги, шу йил декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловда фаол иштирок этишга тайёр эканидан далолат беради.

Мухтасар айтганда, тадқиқот натижалари 2014 йилги сайловолди кампанияси фуқароларимизнинг маънавияти юксалиб, дунёқараши ва тафаккури ўзгариб бораётган, мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий барқарорлик, тинчлик ва хотиржамлик, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги ҳукм сураётган, бағрикенглик, жамиятимизда дўстлик ҳамда ўзаро ҳурмат ришталарини мустаҳкамлаш шароитида ўтаётганини кўрсатди.

**«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида ЎзА мухбири М.МАМЕТОВА тайёрлади**

# ЭНЕРГЕТИКЛАР ХАЛҚАРО ФОРУМИ

***Тошкентда «Энергия ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва ривожлантиришга замонавий ёндашувлар. Муқобил энергетика» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

«Ўзэлектроаппарат-Электрошчит» қўшма корхонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Ўзбекистон, Хитой, Жанубий Корея, Германия, Франция, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Украина ва бошқа мамлакатларнинг энергетика тармоғи мутахассислари иштирок этди.

Конференцияда электр энергияси ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Мамлакатимизда электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни фойдаланишга топширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Энергетика тармоғини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, энергияни тежаш, ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Илғор ва тежамкор технологиялар асосида иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳаларга қайта тикланадиган энергия манбаларини жорий этиш мамлакатимиз энергетика комплексини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Президентимизнинг 2013 йил 1 мартда қабул қилинган «Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу вазифаларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Конференция иштирокчилари янги энергетика объектларини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилишда инновацион ечимларни жорий этиш масаласини ҳам муҳокама қилди. Шунингдек, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигининг турли тармоқлари учун мўлжалланган янги электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ҳақида маърузалар тингланди. Мамлакатимиз ва умуман, дунёда муқобил энергия манбаларини ўзлаштиришнинг истиқболли йўналишлари хусусида фикр алмашилди.

– Ўзбекистонда энергетика тармоғини ривожлантириш истиқболлари менда катта таассурот қолдирди, – дейди ЎзА мухбирига Хитойнинг «Tonghua» компанияси муҳандиси Ли Юншенг. – Мамлакатингизда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани эътиборлидир. Маълумки, Ўзбекистонда йилнинг уч юз кунидан кўпроқ қуёш порлаб туради. Бу атроф-муҳитга зарар етказмасдан саноат миқёсида электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун қуёш нурларидан самарали фойдаланиш имконини беради.

Халқаро конференция иштирокчилари тажриба ва фикр алмашиб, ушбу тармоқда ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболларини белгилаб олди.

**Бобур ОБИДОВ**

***Ўзбекистон экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича Экоҳаракат конференциясига делегатлар сайлашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

# ЭКОҲАРАКАТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ




Конференция ишида Тошкент шаҳрининг барча туманларидан 400 дан ортиқ киши иштирок этди. Уларнинг аксариятини мамлакатимизда, қолаверса, пойтахтимизда экологик барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшаётган заҳматкашлар, атроф-муҳит муҳофазасига, инсон саломатлигини ҳимоялашга бел боғлаган келажак авлод учун қулай атроф табиий муҳит қолдиришни мақсад қилган эколог олимлар, зиёлилар, табиатни муҳофаза қилиш тизими ходимлари, шифокорлар, экологик таълим-тарбия жонкуярлари, ҳуқуқшунослар, атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари мутахассислари, умуман, кенг жамоатчилик вакилларидан иборат Экоҳаракатнинг устувор мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашаётган ҳақиқий фаоллар ташкил этди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра ўн бешта депутатлик ўрни ўз сафига кенг жамоатчиликни, мутахассислар, олимлар, шунингдек, шу соҳада фаолият юритаётган нодавлат ташкилотларни бирлаштирган жамоат ташкилоти — Экоҳаракатга ажратилди. Шу тариқа 2009 йил 27 декабрда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда Экоҳаракатдан 15 нафар депутат сайлаб олиниб, Парламентда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ўз фаолиятини бошлади.

Жаҳон парламентаризми тарихида илк бор парламентда Ўзбекистон экологик ҳаракати учун депутатлар ўринларини квоталаш институти жорий этилгани бутун жамият ва давлат учун, ҳар биримиз учун фавқулодда муҳим бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик муаммоларни бартараф этишда парламентнинг ролини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган давр мобайнида айнан Экоҳаракат депутатлари гуруҳи ташаббуси билан 5 та янги қонун қабул қилинди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида олға сурилган ғоялар асосида Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан ишлаб чиқилиб, қабул қилинган «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва ролини аниқ белгилаб берувчи, экологик назоратни ташкил этиш ва уни амалга оширишни тартибга солувчи яхлит қонун эканлиги эътироф этилмоқда.

Айни пайтда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги ва бошқа, жами 9 та қонун лойиҳалари ҳамда экология соҳасидаги иккита халқаро Конвенцияга Ўзбекистоннинг қўшилиши бўйича таклифлар ишлаб чиқиш борасидаги ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунлар ва бошқа давлат дастурлари ижроси юзасидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш мақсадида 500 дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. 200 дан зиёд ташкилий-амалий тадбирлар, 20 та конференция, 65 семинар, айримлари хорижий мамлакатларда ташкил этилган 122 та таҳлилий-амалий тадбирлар шулар жумласидандир.

Экоҳаракатдан 15 нафар депутат Қонунчилик палатасига сайланиши, «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш бўйича конференциясига Экоҳаракат ҳудудий бўлинмаларидан делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида» ги Низоми ва ҳудудий бўлинма конференциясини ўтказиш тартиби ҳақида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

Низомга мувофиқ, Экоҳаракат ҳудудий бўлинмаларидан делегатлар сайлаш ҳудудий бўлинмалар олий органи — Конференция томонидан амалга оширилади.

Шу асосда Низом талабларидан келиб чиқиб делегатлар орасидан Ўзбекистон экологик ҳаракати Республика Конференциясига 25 нафар делегат муқобиллик асосида ёпиқ яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлашда квоталаш институтининг жорий этилганлиги халқаро ҳуқуқ нормаларига, жумладан, Парламентлараро Иттифоқ Кенгашининг 1994 йилдаги 154-сессиясида қабул қилинган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисида»ги Декларацияга тамомила мос келиши конференцияда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Конференцияда Марказий сайлов комиссияси, ОАВ вакиллари, кузатувчилар иштирок этди.



Тадбирлар

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИНИ АСРАШ ЙЎЛИДА

***Мамлакатимизда репродуктив саломатликни яхшилаш орқали ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва уларни бахтли келажакка тайёрлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.***

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир ҳам «Эл саломатлигини асраш йўлида» деб номланди.

Унда 9-оилавий поликлиника шифокорлари, шаҳар ОИТСга қарши курашиш маркази ходимлари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, юқумли ва юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган тадбирда сўзга чиққанлар «Ўсмир қизлар гигиенаси», «Рационал овқатланиш ва камқонлик», «Ҳомиладор аёллар парвариши», «Бир ёшгача бўлган чақалоқлар парвариши» мавзуларида талаба-ёшларга маълумотлар бердилар.

– Аҳолининг барча қатламлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, эрта никоҳ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг ҳамда зарарли одатларнинг инсон соғлигига салбий таъсири ҳақида талабаларга маълумот бериш бизнинг асосий вазифаларимиздан биридир, – дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиалининг директори ўринбосари Азизбек Низомов. – Шунингдек, таъкидлаб ўтиш жоизки, бу каби тадбирларни барча ўқув муассасалари ва шаҳримиз маҳаллаларида ўтказиш кўзда тутилган.

Мунозарага бой тарзда ўтган тадбир якунида мавзуга оид видео-намойишлар, турли слайдлар тақдимотлар ва кўргазмалар ташкил қилинди.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

**СУРАТДА: тадбирдан лавҳа**

# ТАШАББУСКОР ЁШЛАР САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

***Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» республика кўргазмаси очилди. Унда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган ёш тадбиркор, ҳунарманд ва фермерлар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.***

Тадбир Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ўтказилмоқда. Ярмарка Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари, мусаввирлари «Ҳунарманд» уюшмаси, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, қатор вазирлик ва идоралар, ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва ҳунармандлик ривожланиб, иқтисодиётимизнинг ушбу секторида фаолият юритаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бу борада яратилаётган шароит ва имкониятлар самарасида аксарият ёшлар ўз фаолиятини йўлга қўйиб, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда, турли хизматлар кўрсатаётир. Ҳудудий ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган мазкур кўргазма ёшларимизнинг тажриба ва ютуқларини оммалаштириш, уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган қизиқишини кучайтириш, ташаббускорлик, бунёдкорлик ва ижодий фаолиятини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Кўргазманинг ҳудудий босқичларида 780 нафар ёшлар иштирок этди. Республика босқичида ҳар бир вилоятдан 35 ёшгача бўлган 4 нафар энг яхши тадбиркор, 2 нафар фермер ва бир нафар ҳунарманд қатнашмоқда.

Кўргазманинг очилишида ёшлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этилаётгани самарасида ўз иқтидор ва имкониятини намоён этаётгани, ташаббускорлиги, ишбилармонлиги, интилувчанлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётгани таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикасининг «Aydin Awlad» масъулияти чекланган жамияти кўргазманинг доимий иштирокчисидир. 2009 йилда ташкил этилган ушбу корхона жалюзи ва металл буюмлар ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари, 10 гектар ерда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда. Корхона директори ўринбосари Исломбек Худойбергановнинг таъкидлашича, бир йилда қиймати 930 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда товарларни яқин хориж бозорларига етказиб бериш бўйича музокаралар олиб борилаётир.

Кўргазмада Наманган вилояти ёшлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кенг тақдим этилган. Чунончи, «Namangan Porloq Ta'mirlash Servis» масъулияти чекланган жамияти «Ko'k Saroy» савдо белгиси остида лок-бўёқ маҳсулотлари, шпатлёвка ва қурилиш елимлари, «Maxsus metal sanoat» масъулияти чекланган жамияти эса турли газ ва кислород баллонларини намойиш қилмоқда.

Халқ усталари томонидан тайёрланган бежирим маҳсулотлар кўпчилик эътиборини тортмоқда. Хусусан, Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидан ҳунарманд Азиза Шарипованинг гилам буюмлари гўзаллиги, бежиримлиги ва пишиқлиги билан ажралиб турибди. Тошкент вилояти Қибрай туманидан ёғоч ўймакори Шавкат Юсупов намойиш этаётган нақшинкор мебеллар, моҳирона ишланган ғаладонлар, китоб жавонлари, қаламдон, шахмат тахтаси, панно, деворий безак ликопчаларини хорижда ҳам яхши билишади.

– Ҳар йили қиймати 100 миллион сўмдан ортиқ маҳсулот тайёрлаймиз, – дейди «Ташаббус – 2013» республика кўрик-танловининг «Йилнинг энг ёш тадбиркори» номинацияси ғолиби Ш.Юсупов. – Ёғоч ўймакорлиги билан 10 йилдан буён шуғулланаман. Моҳир усталардан ёғоч ўймакорлиги сирларини ўргандим. Айни пайтда «Уста-шогирд» анъанаси бўйича йигирмадан ортиқ ёшларга ёғоч ўймакорлигини ўргатмоқдаман. Шогирдларим орасида имконияти чекланганлар ҳам бор.

«Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» кўргазмасида янги лойиҳа ва хизмат турларини тақдим этадиган молия-банк муассасалари, консалтинг марказлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятига бағишланган алоҳида стендлар ҳам ўрин олган. Кўргазманинг яна бир эътиборли жиҳати, ёш тадбиркорлар, ўз бизнесини энди йўлга қўяётган ёки режалаштираётган иштирокчилар учун фойдали ўқув-семинарлари ҳам ташкил этилмоқда.

Икки кунлик кўргазма якунида «Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши ёш фермери», «Йилнинг энг яхши ёш ҳунарманди» номинацияларида ғолиблар аниқланиб, диплом ва қимматли совғалар билан тақдирланади.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Тошкентда «Узлуксиз таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимиз олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ҳамда хорижий давлатлар университетларидан профессор-ўқитувчилар, тадқиқотчилар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири У.Иноятов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректори Ш.Шарипов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда таълим тизимининг тубдан ислоҳ қилиниши ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фарзандларимизни билимли, юксак салоҳиятли, жисмонан ва маънан етук инсонлар этиб тарбиялашнинг яхлит механизми шакллантирилди.

Соҳадаги ислоҳотлар жараёнида таълим тизимини ахборотлаштириш, ўқитишга илғор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борадаги изчил ишлар самарасида таълим масканлари ўртасида ягона таълим тармоғини ташкил этиш, электрон дарсликлардан оқилона фойдаланиш, хорижий таълим масканлари билан тўғридан-тўғри мулоқотга киришиш имкониятлари ортмоқда.

Тадбирда умумтаълим фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш, соҳага педагогик технологияларни жорий этиш, мутахассис ва ёшлар ҳамкорлиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

– Мазкур анжуман таълим тизимидаги илғор тажриба борасида хорижлик мутахассислар билан фикр алмашиш имконияти берди, – дейди ЎзА мухбирига университетнинг илмий ишлар бўйича проректори Ж.Тоҳиров. – Ушбу соҳадаги ўзгаришларни кенг оммалаштириш, юртимиз ва хорижий билим даргоҳларидаги профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

**Б.МЕЛИҚУЛОВА**

# МЕҲР-МУРУВВАТ ИШЛАРИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармони ва 2011йил 30 майдаги «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрдаги қарори ва Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг 2015 йилдаги фаолиятини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида шаҳар ҳокимининг 2014 йил 22 октябрдаги фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 10 ноябридан бошлаб жамият ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилмоқда.***

Бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар ташкилоти таркибида 11 та туман бўлимлари, 233 та бошланғич ташкилотлар ва 150 мингдан ортиқ аъзолар мавжуд. Улар Давлат дастури, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти XX қурултойида кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар, жамият Низоми талабларини бажариш, 2011-2015 йилларга мўлжалланган стратегик режа бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга эришмоқда.

Меҳр-мурувват Қизил Ярим Ой жамияти фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб, бунда аҳолининг кам даромадли қисмига, якка-ёлғиз кексалар, ногиронлар, етим-есирларни тиббий-ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган ишлар амалга оширилади.

Ушбу йўналишдан ташқари аҳолининг фавқулодда вазиятларга тайёр туриши, ёшлар билан ишлаш, инсонпарварлик ҳуқуқларини ёшлар орасида тарғиб қилиш, ёшларни, кўнгиллиларни жамият фаолиятига жалб қилиш, беғараз донорликни тарғиб этиш жамиятнинг фаолият доирасига киради.

2014 йилнинг 10 ойи мобайнида меҳр-шафқат ҳамширалари ёлғиз қарияларнинг уйларига 6653 маротаба боришиб уларга 6215 маротаба тиббий, 4582 маротаба ижтимоий ёрдам кўрсатишди ҳамда дори-дармон билан таъминлашди. 302 нафар тасаррufдаги қариялар диспансер кўригидан ўтказилди. «Соғлом бола йили» муносабати билан «Соғлом авлод — юрт келажаги» шиори остида «Меҳригиё» ногирон болалар маркази тасарруфига олинган 60 нафар имконияти чекланган болалар ва уларнинг ота-оналари «Jacksoft Medical Diagnostics Services» хусусий тиббий муассасасида тиббий кўрикдан ўтказилди. Қизил Ярим Ой жамияти томонидан кам таъминланган оилаларга, бир маротаба ёрдам сўраганлар, фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган оилаларга 22 миллион 700 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Ташкилотнинг ёшлар билан ишлаш йўналиши бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятининг 150 йиллиги муносабати билан умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари иштирокида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, жамиятнинг 150 йиллик фаолияти тўғрисида «Эзгулик» фильми намойиш этилди.

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш юзасидан ҳамда «Соғлом бола йили» муносабати билан оиланинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида, аёллар репродуктив саломатлиги ва контрацепция усуллари, фертил ёшдаги аёллар ўртасида репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш, гиёҳвандлик XXI аср вабоси, тамаки маҳсулотларининг организмга таъсири, унинг зарари ҳақида ҳамда балоғатга етмаган қизларни эрта турмушга бериш оқибатлари каби мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди.

Ҳозирги кунда 15 та олий ўқув юртларида, 50 дан ортиқ коллеж ва академик лицейларда Қизил Ярим Ой жамиятининг бошланғич ташкилотлари тузилган бўлиб, талаба-ёшлар ўз ихтиёрлари билан жамият аъзолигига қабул қилинмоқдалар.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти томонидан инсонпарварлик йўлида амалга оширилаётган ишлар кўп қирралидир ва бундай хайрли ва савоб ишларга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин.

Саховатпеша ҳамшаҳарларимиз, корхона ва ташкилотларга Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг ҳисоб рақамини эслатиб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий фаолият Миллий банки бош амалиёт бўлими; ҳ/р: 20212000900126451001, МФО: 00407, ИНН: 200896573, ХХТУТ: 98600

Маълумот учун телефонлар: 248-79-25, 248-24-94

**Шоҳида ХУДОЙБЕРГАНОВА,**
**Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар ташкилотининг ижрочи директори**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2014 йил 16 декабрь куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: I. Суд Департаментнинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, 2013 йил 4 октябрь кунги 1-583/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 J 850 НА бўлган «Лексус LX470» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 160 155 000 сўм. II. Юнусобод туман СИБ томонидан, 2013 йил 28 октябрь кунги 25432-33/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай туманидаги жарима майдончада сақланаётган, 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 U 402 НА бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 155 000 000 сўм. III. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2011 йил 15 апрель кунги 5867/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1989 йилда и/ч дав. бел. 30 А 3258 бўлган «ЗАЗ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 405 018 сўм. 2. 2011 йил 1 декабрь кунги 25109/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1988 йилда и/ч дав. бел. М 4954 ТН бўлган «ЗАЗ-968» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 160 979 сўм. 3. 2014 йил 28 апрель кунги 13992/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 V 701 ЕА бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 400 000 сўм. 4. 2013 йил 30 октябрь кунги 36234/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 786 GA бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 45 360 000 сўм. 5. 2013 йил 6 сентябрь кунги 32175/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 90 W 136 СА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 12 906 856 сўм. 6. 2012 йил 10 май кунги 16629/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1980 йилда и/ч дав. бел. 30 М 8549 бўлган «Москвич-412» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 509 820 сўм. 7. 2011 йил 12 май кунги 7461/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 30 Q 3517 бўлган «Москвич 2140» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 425 586 сўм. 8. 2010 йил 7 декабрь кунги 16024/21-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1986 йилда и/ч дав. бел. 30 I 7458 бўлган «ЗАЗ-968» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 147 573 сўм.

2014 йил 18 ноябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Миробод туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 7 январь кунги 2/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 805 ОА бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 109 142 сўм. 2. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39617/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2012 йилда и/ч дав. бел. 01 D 184 ОА бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 28 807 800 сўм. 3. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39618/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2002 йилда и/ч дав.бел. 85 К 775 ВА бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 48 013 000 сўм. 4. 2013 йил 29 ноябрь кунги 39616/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1981 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 079 НА бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 906 877 сўм. 5. 2012 йил 16 апрель кунги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Файзиобод» ТИФ божхона масканида сақланаётган, 1990 йилда и/ч дав. бел. 10 987 FAA бўлган «ГАЗ-53» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 6 914 233 сўм. 6. 2012 йил 16 апрель кунги 13368/5-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Файзиобод» ТИФ божхона масканида сақланаётган, 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 585 СА бўлган «CHANASC-6382» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 10 722 723 сўм. 7. 2013 йил 17 апрель кунги 10561/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖда сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 В 321 ВА бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 33 908 473 сўм. 8. 2013 йил 30 октябрь кунги 36233/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 С 589 КА бўлган «Спарк» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 26 154 450 сўм. 9. 2013 йил 30 октябрь кунги 36235/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч дав. бел. 10 Y 051 DA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 715 456 сўм. 10. 2014 йил 20 февраль кунги 5668/6-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 426 NA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 040 000 сўм. 11. 2014 йил 22 январь кунги 2264/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 Q 598 ОА бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 000 000 сўм. 12. 2014 йил 22 январь кунги 2273/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 10 J 106 FA бўлган «Ваз 2106» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 6 412 689 сўм. 13. 2014 йил 22 январь кунги 2263/19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1983 йилда и/ч дав. бел. 10 Н 045 НА бўлган «Ваз 2103» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 978 129 сўм. II. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан: 1. 2014 йил 9 апрель кунги 11570/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 10 770 UAA бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 278 800 сўм. 2. 2013 йил 16 октябрь кунги 62989/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Феруза Баракат Сервис» МЧЖда сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 О 862 FA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 22 712 543,95 сўм. 3. 2013 йил 22 август кунги 58980/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Феруза Баракат Сервис» МЧЖда сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 Т 836 LA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 872 350 сўм. 4. 2014 йил 7 январь кунги 613/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Феруза Баракат Сервис» МЧЖда сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 10 А 532 GA бўлган «Матиз» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 20 915 200 сўм. 5. 2011 йил 15 август кунги 25578-85/22-25-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 йилда и/ч дав. бел. 19 А 351 бўлган «SK 24» ярим тиркама воситаси. Бошланғич нархи 23 040 350 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибида савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй.
Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*

Диққат, викторина давом этади!

# «СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказмоқда.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталарнинг ҳар сонида битта викторина саволи эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлоқ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми»** – **«Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

**Мурожаат учун телефонлар:**
**233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.**

*Савол:*
**Тошкент шаҳрида нечта ҳалқа йўли мавжуд?**

Спорт

## ЁШЛИК КУБОГИ СОҲИБИ АНИҚЛАНДИ

***Мамлакатимизда ёшларнинг спортнинг барча турлари, жумладан, футбол билан мунтазам шуғулланишлари учун етарли шарт-шароит ва қулай имкониятлар яратилган.***

Ўзбекистон Миллий университетининг спорт мажмуасида «Ёшлик кубоги» лойиҳаси доирасида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юртларига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талабалар ўртасида мини-футбол мусобақаси ўтказилди.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, «Камолот» ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда 5 та жамоа қатнашди. Турнирда Ўзбекистон Миллий, Тошкент Давлат техника, Тошкент Давлат юридик университетлари, Тошкент Молия институти ҳамда Тошкент Тиббиёт академиясига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талаба-ёшлар ўзаро беллашди.

— «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ўқув юртларига қарашли талабалар турар жойларида истиқомат қилувчи талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга катта эътибор қаратилади, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси Ғоят Тўлаганов. — Талабаларнинг мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга ҳамда спортнинг оммавий турлари, хусусан мини-футбол турига кенг жалб этиб келинади. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва «Камолот» ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши билан ҳамкорликда бир қатор спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Бундан асосий мақсад спорт орқали талабаларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш, турли иллатлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, улар қалбига Ватанга муҳаббат, садоқат ҳамда ватанпарварлик, ғурур ва фахрланиш каби туйғуларни сингдириш ва шакллантиришдан иборатдир.

Мусобақа финалига Тошкент Давлат техника ва Ўзбекистон Миллий университетлари жамоалари чиқишди. Муросасиз ва ҳаяжонли дақиқаларга бой тарзда кечган баҳсларда 4:3 ҳисобида Ўзбекистон Миллий университети жамоаси ғолиб бўлди. Ғолиб жамоа «Ёшлик кубоги»ни қўлга киритди.

Мусобақа сўнгида фаол иштирок этган талаба-ёшлар ва ғолиб жамоалар «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгашининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

Футбол

## ЮКСАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спорт, жумладан, футболни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида мамлакатимиз спортчилари нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этмоқда. Футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларининг жаҳон чемпионатларидаги муваффақияти мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган авлод вояга етаётганини яна бир бор намоён этди.***

Бу борада амалга оширилаётган ишларда тажрибали ва юқори малакали мураббийларнинг ҳиссаси катта. «Пахтакор» футбол клуби академияси директори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Дилшод Нуралиев шундай мутахассислардан бири. У 2013 йилда мамлакатимизда йилнинг энг яхши болалар ва ўсмирлар мураббийи сифатида эътироф этилди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси (16 ёшгача) тажрибали мураббий раҳбарлигида 2012 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, ўтган йили жаҳон чемпионатида ҳам муносиб иштирок этди.

Дилшод Нуралиев болалигидан моҳир чарм тўп устаси бўлишни орзу қилар ва футбол билан астойдил шуғулланар эди. Афсуски, жароҳатлар унга спортдаги фаолиятини давом эттириш имконини бермади. Бироқ, у футболни тарк этмасдан, мураббий бўлишга қарор қилди. Дилшод Нуралиев ўз олдига жаҳон ареналарида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тайёрлашдек эзгу мақсадни қўйди.

У мураббийлик фаолиятини Владимир Штерн раҳбарлигида бошлади. Бахтиёр Пўлатов, Павел Саркисян каби моҳир мураббийлардан кўп нарса ўрганди. «Пахтакор» футбол мактаби тарбияланувчилари Д.Нуралиевнинг илк шогирдларидир. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига жалб қилинди. Ўсмирлар терма жамоасида катта мураббий сифатида иш бошлаган Д.Нуралиев тез орада бош мураббий этиб тайинланди. 2002 йилда ўсмирлар терма жамоаси унинг раҳбарлигида Осиё чемпионати финалига чиқиб, тўртинчи ўринни эгаллади. Ўтган йиллар давомида тўпланган тажриба 2013 йилда ўтказилган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этишга замин яратди. Ушбу муваффақиятларга эришишда жамоанинг жипслиги муҳим омил бўлмоқда. Тажрибали устоз шогирдларини нафақат машғулотлар пайтида, балки бўш вақтда ҳам мустаҳкам интизом ва умумий натижа учун жавобгарлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратади. Энг муҳими, шогирдларига ҳар бир ишдан мамнун бўлиш учун тинимсиз меҳнат қилиш зарурлигини уқтиради.

Бугунги кунда Д.Нуралиев Президентимизнинг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган «Пахтакор» футбол клуби академиясига раҳбарлик қилмоқда. Академия ва унинг қошидаги футбол мактабида фаолият юритаётган 20 нафардан ортиқ мураббий қўл остида истеъдодли футболчилар вояга етмоқда.

Бундан ташқари, академия тарбияланувчилари мамлакатимиз ёшлар, олимпия ва миллий терма жамоалари таркибидан ўрин олган. Д.Нуралиевнинг футболчиларни тарбиялаш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланиб, Президентимиз Ислом Каримов фармонига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» унвони билан тақдирланди.

– Давлатимиз раҳбари томонидан болалар спортини ривожлантириш орқали баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ўзбек футболчиларининг халқаро миқёсда муносиб иштирок этишига замин ҳозирламоқда, – дейди Д.Нуралиев. – Футболнинг оммавийлиги ва футболчилар маҳоратини мунтазам такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда «миллионлар ўйини»ни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Бунинг учун барча ҳудудларда жисмоний тарбия ва спорт, жумладан, футбол билан шуғулланиш учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Сўнгги йилларда болалар ва ўсмирлар футболи тизими тубдан ислоҳ этилди. Жумладан, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ва академиялар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий стадионлар бунёд этилиб, мавжудлари реконструкция қилинмоқда. Халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир футболчилар, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш йўлида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари замонавий инвентарлар билан жиҳозланмоқда, малакали мураббий ва ҳакамлар тайёрланмоқда. Бундай эътибор самарасида футболчиларимиз янги марраларни забт этиб, салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда.

**Ирина ДОЛЕНКО,**
**ЎзА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан хусусий тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ва уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган бошқарма ва туман бўлимларининг ишонч телефонларини маълум қиламиз.

| № | Бошқарма ва туман бўлимлари | Ишонч телефони рақамлари |
|---|---|---|
| 1 | Бошқарманинг навбатчилик қисми | 241-92-05 |
| 2 | Бектемир туман бўлими | 295-18-90 |
| 3 | Мирзо Улуғбек туман бўлими | 237-44-82 |
| 4 | Миробод туман бўлими | 215-67-07 |
| 5 | Олмазор туман бўлими | 228-01-00 |
| 6 | Сергели туман бўлими | 258-75-71 |
| 7 | Учтепа туман бўлими | 271-52-06 |
| 8 | Чилонзор туман бўлими | 271-12-56 |
| 9 | Шайхонтоҳур туман бўлими | 230-31-85 |
| 10 | Юнусобод туман бўлими | 234-20-67 |
| 11 | Яккасарой туман бўлими | 250-13-66 |
| 12 | Яшнобод туман бўлими | 289-59-88 |

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши бирлашма Кенгаши раёсати аъзоси А.Ж. Мавлоновга волидаи муҳтарамаси
**ПЎЛАТОЙ аянинг**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **18 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундига 5-10, кучайган ҳолатда 12-17 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси 3-5, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 ва 19 ноябрь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Кўргазмалар

## КУНЧИҚАР МАМЛАКАТ МАНЗАРАЛАРИ

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройида Ольга Лобанованинг «Япония» номли шахсий фотокўргазмаси очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси, Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Икуо Хираяма Халқаро маданият карвон саройи томонидан ташкил қилинган бу кўргазмада 140 га яқин фотосуратлар намойишга қўйилган.***

Экспозициядаги фотосуратларда Япония ёшларининг бугунги ҳаёти, Кунчиқар мамлакат маданияти, турмуш тарзининг айрим қирралари, расм-русумлари, анъаналари, тарихий ёдгорликлари, архитектураси, табиати манзаралари, ороллари тасвирга туширилган.

Ольга Лобанова 1989 йилда Тошкентда туғилган. 2011 йили Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг Япон филологияси факультетини тамомлаган. Токио чет тиллар университетида стажер-талаба сифатида ўқиган. Ўқиш давомида бўш вақтларидан унумли фойдаланган. Университет маданий тадбирларида фаол қатнашган. Япония бўйлаб саёҳатлар қилган. Экспозициядан ўрин олган фотосуратларни Японияда стажерлик вақтида суратга туширган.

Кўргазманинг очилишида рассомлар, санъатшунослар, фоторассомлар, ёшлар, турли касб эгалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Қиш мавсумида об-ҳавонинг совиб кетиши, газ босимининг пасайиши аҳолининг иситиш печларига бўлган эҳтиёжини оширади. Бунинг натижасида турар жой, корхона-ташкилотларда ёнғинларнинг юз бериши бирмунча кўпаяди.***

«101»

## «ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига кўра жорий йилнинг 20 ноябрдан 20 декабрига қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилади.

Бу даврда Ёнғин хавфсизлиги хизмати ҳамда маҳаллий ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш органлари ва ҳудудий профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган тарғибот ва ташвиқот ишлари кучайтирилади. Маҳалла, корхона-ташкилотлар, ўқув ҳамда даволаш муассасаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига оид суҳбатлар ўтказиш режалаштирилган.

Миробод тумани Ички ишлар бошқармаси Ёнғин хавфсизиги бўлими томонидан ушбу ойликни самарали ўтказиш мақсадида туман ҳокимининг қарорига асосан мутасадди ташкилотлар вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда бўлим шахсий таркиби томонидан маҳаллаларда, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида кенг қамровли учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари ер ости сув қудуқларини текшириш ҳамда газ ва электр мосламаларидан турли хил нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида туман газ ва электр идоралари ходимлари билан тезкор рейдлар уюштирилмоқда.

Ёнғинни ўчиргандан кўра унинг олдини олган афзаллигини унутмаслик ижобий самара беради.

**Елдар ИНОЯТИЛЛАЕВ,**
**Миробод тумани**
**ИИБ ЁХБ**
**инспектори, сержант**

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1155
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5622 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ